

Ахмедова Ю.С., ассистент
“Иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси
Жиззах политехника институти
Akhmedova Y.S., Assistant
Department "Economics and management"
Jizzakh Polytechnic Institute

**ФАОЛ ИНВЕСТИЦИОН МУҲИТ – ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Аннотация: Мазкур мақолада сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция салоҳиятини ошириш оширишда давлат банклари ролини оширишнинг устувор йўналишлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: молия, иқтисод, инвестиция, банк, инвестицион муҳит, соноат зонаси, хорижий инвестициялар, инвестицион муҳит, солиқ.

**ACTIVE INVESTMENT ENVIRONMENT-AS AN IMPORTANT
FACTOR IN THE ECONOMY OF UZBEKISTAN**

Annotation: This article examines the priorities of increasing the role of state banks in increasing investment potential in our country in recent years.

Keywords: finance, economy, investment, banking, investment environment, sonoat zone, foreign investment, investment environment, tax.


Таъкидлаб ўтиш лозимки, сўнгги йилларда халқаро майдонда юзага келаётган ижтимоий-иқтисодий вазиятлар, турли давлатлар ўртасидаги зиддиятлар ва кутилаётган иқтисодий хавф-хатарлар даврида мамлакатимиз олдида иқтисодиётни фаолликни ошириш ҳамда иқтисодиётда инвестицион муҳит жозибадорлигини оширишни тақозо этади. Зеро, Мухтарам Президентимиз Республикада қулай инвестиция муҳитини яхшилаб бориш, сифат жиҳатдан таркибий ўзгаришларни таъминлаш ва шу орқали мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш устувор вазифалардан бири бўлиши кераклигини таъкидлар экан,

мазкур жараёнда давлатнинг ўрни молиявий ресурсларни самарали жалб қилиш учун қулай инвестиция муҳитини яратиш ва унинг жозибадорлигини ошириш билан тавсифланади. Хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этишдан манфаатдорлик барча давлатларнинг ички имкониятларидан келиб чиқиши ҳамда, ҳар қандай давлатнинг инвестиция сиёсатини кутилаётган ташқи иқтисодий хавф-хатарларни инобатга олган ҳолда мукаммал ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожатномасида “Иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур[8]” деб таъкидлаб ўтганлар. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони 26-мақсадида мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш вазифалари белгиланган.

Инвестицион жозибадорлик маълум бир инвестор томонидан инвестиция объектини баҳолашни назарда тутати ва инвестиция муҳити объектив характерга эга бўлиб ва субъективликни инкор қилади. Демак, инвестиция жозибадорлигини баҳолаш, инвесторларнинг мақсад, имкониятларига боғлиқ бўлади, инвестиция муҳити эса инвестиция фаолияти ёки жараёнининг турли субъектлари учун доимий қийматдир.

Глобал пандемия юзага келтирган инқироз оқибатида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимининг кескин тушиб кетишига олиб келди. Глобал тарзда тўғридан-тўғри инвестициялар оқимининг 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 40 фоизга тушиб кетиши башорат қилдинди. Прогнозларга кўра, 2021 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 5-10 фоизга тушиб кетиши ва 2022 йилга келиб эса тикланиш жараёнига кузатилиши

кўрсатилган. Ҳақиқатдан ҳам 2020 йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 35 фоизга тушиб кетди. Бутун жаҳон бўйича COVID-19 пандемиясига қарши қўлланилган чора-тадбирлар натижасида бошланган кўплаб лойиҳаларнинг пасайишига ва кўп миллатли корхоналар томонидан истиқболда лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш имконини берди. Ривожланган мамлакатларда корпоратив реструктуризациялаш ва ички фирмалараро молиявий оқимларнинг номуаносиблиги натижасида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 58 фоиз даражада тушиб кетди. Ривожланаётган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар Осиё барқарор молиявий ва бошқа оқимлар ҳаракати туфайли 8 фоизга пасайди. 2021 йилга келиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар глобал оқими энг қуйи чегарадан аста-секин 10-15 фоизга кўтарилди. 2022 йилга келиб истиқболда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2019 йилги 1,5 трлн. долларга ўсиши прогноз қилинмоқда. Прогнозлардан келиб чиқиб айтиш керакки, 2050 йилга келиб ер юзи аҳолиси 10 млрд. бўлиши тахмин қилинмоқда. Албатта бу ўз навбатида 4 баробарга яқин табиий ресурслар керак бўлади. БМТ дастурининг баҳолашига кўра, атроф муҳитни ўраб олаётган ер куррасида 8,5 млрд. инсонларгина ўз эҳтиёжларини қондиришлари ва хавфсиз технологиялардан фойдаланишлари мумкин.



1-расм. Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга

ўзлаштирилган инвестициялар таркиби

Мамлакатимизда соғлом инвестицион муҳит самарадорлигини оширишнинг муҳим жиҳати шундаки, бунда киритилаётган инвестициялар асосан янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва модернизация қилиш мақсадларига йўналтирилмоқда. Бугунги кунда жами инвестицияларни 70 фоизидан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга, инвестицияларни қарийб 40 фоизи эса замонавий асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилган. Мамлакатимизда сўнги йилларда эришилган иқтисодий ўсиш суръатлари иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестициялар билан бевосита боғлиқдир. Макроиқтисодий барқарорликка эришиш, иқтисодий ва институционал ислохотларни чуқурлаштириш ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигини сезиларли даражада ўсишига олиб келади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини таъминлаш ва хорижий капитал оқимини янада кўпайтириш учун фикримизча қўйидаги чоратadbирларни қўллаш мақсадга мувофиқ:

- юртимизда рақамли иқтисодиётнинг тобора иқтисодиёт соҳаларига кириб боришини инobatга оладиган бўлсак, аввало рақамли технологияларни қўллаган ҳолда масофавий мурожатларни йўлга қўйиш ҳамда хориж ва маҳаллий инвесторлар учун муҳим стратегик объектлар бўйича маълумотлар базасини шакллантириш;

- инвестицияларни рағбатлантиришда давлат ва хусусий шерикчилик муносабатларини яратиш ҳамда улар иштирокини таъминлаш;

- корхона ва аҳоли маблағлари, тижорат банк кредитлари ресурсларидан фойдаланганлик учун аниқ ўлчов ва меъёрларни белгилаш;

- республикамиз ҳудудларида инвестицион лойиҳалар фабрикаси ва таadbиркорлик фаолияти бўйича турли тренинглар, маслаҳат марказларини ташкил этиш. Шунингдек, туман ва ҳудудларнинг таadbиркорлик лаёқатига

кўра тадбиркорлик фаолиятини ихтисослаштириш.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи. 2020 йил 30 январь 276 (7778). 1-4 бетлар.

2. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Ўқув қўлланма. – Т.: Молия, 2010. – Б. 153.

3. Ўзбекистон Республикасининг «инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир) 25.12.2019 й. ЎРҚ-598. , 52-сон, 918-модда.

4. Мустафакулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибadorлиги. Илмий-амалий қўлланма. –Тошкент: Baktria press, 2017.-320 б.

5. Astanakulov O.T., Asatullaev Kh.S. Analysis of investments and directions of investment activation in Uzbekistan // International Journal of Management, IT & Engineering. Vol. 8 Issue 6, June 2018, ISSN: 2249-0558 (№23 SJIF-7.119).

6. Астанакулов О.Т., Асатуллаев Х.С. Коронавирус пандемияси шароитида инвестицион қарорларни қабул қилишни такомиллаштириш // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. – Тошкент, 2020. № 3, август.

7. Dinkar, N. Selective review of foreign direct investment theories / N. Dinkar, R.N. Choudhury // Asia-Pacific Research and Training Network On Trade. Working paper. – 2014. – № 143. – P. 2-27.

8. Сафаров А. И., Ризаев И. И. Факторы развитие экотуризма в Узбекистане //Глобальные проблемы модернизации национальной экономики. – 2022. – С. 629-633.

9. Ганиев К., Тугунбоев О., Ризаев И. И. Экологические проблемы современного общества и ихрешения //наука и образование: актуальные вопросы теории и практики. – 2021. – С. 601-603.